


Доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши




Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.


Кун тартиби доирасида Узун туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳисоботи

эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари Агентлиги Узун туман бўлими бошлиғи С.Ташанов тиббиёт соҳасида кескин бурилишлар қилишни, халқ орасида тиббий маданиятни тарғиб қилиш ҳамда дорихона соҳаси бизнесга айланиб кетишини олдини олиш, дориларнинг нархи-навосини меъёрлаштириш, айрим шифокорлар дорихоналар билан келишув асосида ишлашига барҳам бериш, беморларга керак-нокерак дориларни ёзиб бераришнинг олидини олиш чораларини кўриш ҳақида ўз фикрларини билдирди ва мутасаддилар ушбу муаммога етарлича эътибор қаратишларни сўради.







Узун тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати